ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 338 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 28 майдаги ПҚ–1761-сон қарорининг 8-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 41-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш-



www.lex.uz

Hujjat 2012 yil 23 iyul holatiga



лар ва қўшимча киритилсин ҳамда улар 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари оширилиши муносабати билан қўшимча харажатларнинг «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 19 июль,
224-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 19 июлдаги 224-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-иловага қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Касб-ҳунар коллежларининг биринчи малака тоифасига, иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишли равишда касб-ҳунар коллежларининг катта ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ва ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади».

2. 2-иловада:

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

изоҳ чиқариб ташлансин.



www.lex.uz